Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгашининг
ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2025 йил 4 мартда қабул
қилинган 594–V/КҚ-104–V-сонли
Қўшма қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламент комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламент комиссиясининг (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) мақсадини, вазифаларини, ваколатларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Парламент комиссиясининг мақсади Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида (бундан буён матнда Концепция деб юритилади) белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш орқали ушбу Концепциянинг нормаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

3. Парламент комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

4. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ваколатлари муддатига тузилади.

2-боб. Парламент комиссиясининг вазифалари ва ваколатлари

5. Парламент комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш;

Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилишини, шу жумладан давлат органлари томонидан бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишини таҳлил қилиб бориш;

Концепцияда белгиланган асосий вазифалар бажарилишининг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини, шу жумладан Концепциядан келиб чиқиб республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонуности ҳужжатларининг қайта кўриб чиқилиши ҳолатини ўрганиб бориш;

Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

6. Парламент комиссиясининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилишига доир маълумотларни сўраб олиш;

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун давлат органлари ва ташкилотлар билан келишувга кўра уларнинг вакилларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлар тузиш;

Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши ҳолатини Парламент комиссияси мажлисида муҳокама қилиб бориш;

давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклиф ва тавсиялар киритиш;

Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилган ишлар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг ахборотини тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, улар қўмиталарининг мажлисларида эшитиш бўйича таклифлар киритиш;

парламент назоратининг бошқа субъектларига Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан парламент назоратининг шаклларини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

Парламент комиссияси қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

3-боб. Парламент комиссиясининг ишини ташкил этиш

7. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоларидан иборат таркибда тузилади ва унинг аъзолари сони 14 нафарни ташкил этади.

8. Парламент комиссиясининг аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

9. Парламент комиссиясининг аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг тегишинча депутат ёки Сенат аъзоси сифатидаги ваколатлари тугатилса, Парламент комиссиясидаги фаолияти тугайди.

10. Парламент комиссияси раиси:

Парламент комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси лойиҳаси тайёрланишини ташкил этади ва Парламент комиссиясининг тасдиқланган иш режаси бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Парламент комиссиясининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Парламент комиссияси ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг мажлисида кўриб чиқиш учун киритади;

Парламент комиссиясининг қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг ижро этилишига доир ишларни ташкил этади.

11. Парламент комиссияси раисининг ўринбосари Парламент комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифасини бажариб туради, Парламент комиссияси ёки унинг раиси томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

12. Парламент комиссиясининг аъзоси:

Парламент комиссиясининг мажлислари ҳақида олдиндан ахборот олишга ва уларда иштирок этишга;

Парламент комиссиясининг мажлисларида сўзга чиқишга, Парламент комиссиясининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритишга;

Парламент комиссиясининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар билан танишиб чиқишга;

Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлисини чақириш бўйича таклиф киритишга;

Парламент комиссиясининг қабул қилинаётган қарорига қўшилмаган тақдирда, ёзма шаклда ўз фикрини баён қилишга ҳақли.

Парламент комиссиясининг аъзоси Парламент комиссиясининг мажлисларида иштирок этиши, иштирок эта олмайдиган ҳолларда олдиндан Парламент комиссияси раисини ёки унинг ўринбосарини хабардор қилиши лозим.

13. Парламент комиссиясининг мажлислари Парламент комиссиясининг раиси томонидан заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Парламент комиссиясининг мажлислари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ташаббусига кўра ҳам чақирилиши мумкин.

14. Парламент комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг мажлисидир. Парламент комиссиясининг мажлиси унда аъзоларнинг камида ярми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

15. Парламент комиссиясининг қарорлари мажлисда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

16. Парламент комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

17. Парламент комиссиясининг қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

18. Парламент комиссиясининг мажлисларига кўриб чиқилаётган масалага алоқадор бўлган давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Парламент комиссияси мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, уларнинг ўринбосарлари, депутатлар, сенаторлар, Парламент комиссиясининг таклифига кўра палаталар девонларининг масъул ходимлари ҳам иштирок этиши мумкин.

19. Парламент комиссияси бажарилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма мажлисларида палаталар кенгашлари томонидан белгиланган муддатда ахборот беради.

4-боб. Парламент комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

20. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан киритилади.